



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 197 (13.010)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Иқтисодиёт

ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ ОШИБ БОРМОҚДА

Энгил саноат тармоғи мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг энг барқарор тарзда ривожланиб келаётган соҳалари сирасига киради. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида юзлаб саноат корхоналари аҳоли учун зарур бўлган сифатли ва рақобатбардош истеъмол товарларини ишлаб чиқармоқдалар.

Шайхонтохур туманидаги "Trans Textile Group" масъулияти чекланган жамияти ҳам ўз соҳасининг илғор корхоналари сирасига киришга ҳаракат қилмоқда. Жорий йилда фаолиятини бошлаган ушбу корхона томонидан қисқа муддат ичида болалар ва катталар учун 20 дан ортиқ турдаги тикувчилик маҳсулотлари, жумладан махсус кийим-кечаклар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Дарҳақиқат, ўсиб бораётган рақобат муҳитида фақат истеъмолчилар талаб ва эҳтиёжига мос келадиган маҳсулотгагина ўз харидорини топади. Буни англаган жамият бичиқчи ва модельерлари маҳсулотларининг дизайни ҳамда ташқи кўринишини такомиллаштиришга доимо ҳаракат қилишади. Замонавий асбоб-ускуналар, илғор технологиялардан фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган

маҳсулотлар сифатининг юқори бўлиши таъминланмоқда. Маҳаллий хом ашёдан фойдаланилиши эса маҳсулот таннарининг пасайишига замин яратмоқда.

— Мато ва фурнитураларни Самарқанд, Наманган ва Чирчиқдаги маҳаллий корхоналардан олампиз ва улар бизни сифати ҳамда нархи билан қониқтиради, — дейди корхонанинг етакчи мутахассиси Бибисора Ҳасанова. — Кенг истеъмолдаги молларни ишлаб чиқаришдан ташқари биз идоралар учун махсус иш кийимлари ҳамда ўқувчилар учун мактаб формаларини тикиш учун тендерларда қатнашган ҳолда давлат буюртмаларини ҳам бажарамиз.

"Trans Textile Group" масъулияти чекланган жамиятида меҳнат самарадорлигини ошириш йўлида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Шу боис

корхона 12 ишчи-хизматчи билан ўз фаолиятини бошлаган бўлса, қисқа муддат ичида уларнинг сони 25 нафарга етди. Улар тушлик ва махсус иш кийими билан таъминланади. Буларнинг бари иш самарадорлигини оширадиган омиллардир. Ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ёшлар эса ходимлар захирасини ташкил этади.

— Мен Миробод политехника коллежини тамомлаганимдан сўнг уч томонлама шартнома асосида ушбу корхонага ишга қабул қилиндим, — дейди ёш тикувчи Нигора Рихсибоева. — Илк иш кунларимда ноқ тажрибали ходимлардан ўрганганларимни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилдим ва аста-секин касб сирларини ўзлаштириб бормоқдаман.

Ўйлаймизки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган муҳим эътиборнинг самараси ўлароқ ушбу янги, истиқболли корхонанинг фаолияти тобора тараққий этиб боради.

Даврон НУРМАТОВ
Козим Ўлмасов
олган сурат

Корея Республикаси Экспорт-импорт банки президенти Ли Дук Хуннинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 23 сентябрь кунги Ўзбекистон банклари ассоциациясида Эксимбанкнинг Жанубий Корея иқтисодий ривожидagi роли ва Ўзбекистон билан ҳамкорлигига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг банк-молия соҳаси вакиллари, тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азиев Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик бошқа соҳалар қатори савдо-иқтисодий, молиявий ва инвестициявий йўналишда ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 27-29 май кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Ташриф доирасида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларга оид умумий қиймати қарийб 7,7 миллиард АҚШ доллари тенг 60 ҳужжат имзоланди.

Корея Республикаси — Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий шерикларидан бири. Бу соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўтган йили Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард доллардан ошган. Ўзбекистонда Жанубий корейлик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 68 таси тўла ушбу мамлакат капиталли асосида тузилган. Юртимизда Жанубий Кореянинг 79 компанияси ваколатхоналари очилган.

Семинарда Эксимбанк президенти Жанубий Кореянинг иқтисодий тараққиёти, жаҳон ишлаб чиқаришидаги ўрни, халқаро молиявий-инвестициявий жараёнлардаги иштироки, тўплаган бой тажрибаси ҳақида сўзлади.

— Ўзбекистон табиий ресурсларга бой, улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат, — деди Ли Дук Хун. — Икки томонлама муносабатларимиз савдо, иқтисодиёт, сармоя, нефть-газ, кимё, машинасозлик каби кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз бизнесменлари ҳамкорлигида қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида Жанубий корейлик ишбилармонлар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўзбекистон ҳам Жанубий Корея каби тез ривожланмоқда, ислохотлар самарали амалга оширилмоқда. Бу ўзаро ҳамкорлигимизга катта ишонч бағишлайди.

Шу кунги Ўзбекистоннинг "Асака" акциядорлик тижорат банки билан Жанубий Кореянинг Эксимбанк ўртасида 160 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит тақдим этиш бўйича битим имзоланди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Муборак Курбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда.

● Қашқадарёда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳамда Конрад Аденауэр жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда қонунчилик ва амалиёт: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● Навоийда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент Тиббиёт академияси, Навоий кон-металлургия комбинати ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида иш билан банд аҳоли саноатлигини мустаҳкамлаш мавзусида республика илмий-амалий анжумани ташкил этилди.

● Андижонда умумтаълим мактабларида "Маҳорат мактаблари" фаолиятини ташкил этиш ва шу йўналишдаги илғор иш тажрибаларини оммалаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбир доирасида иштирокчилар Марҳамат туманидаги 10-, 42-умумтаълим мактаблари ва 3-давлат ихтисослашган мактаб-интернатидаги "Маҳорат мактаблари" фаолияти, илғор иш тажрибалари, ҳужжатларни юритиш тартиблари билан танишди. Тарих, ҳуқуқ, чизмачилик, инглиз тили, жисмоний тарбия, маънавият асослари фанлари бўйича очик дарсларни кузатди.

ЖАҲОНДА

● БМТ қароргоҳида глобал тараққиёт масалаларига бағишланган саммитда иштирок этадиган 150 дан ортиқ давлатлар раҳбарлари уч кун давомида "Барқарор тараққиёт мақсадлари" мавзусидаги ҳужжатни ишлаб чиқиб, қабул қиладилар.

● Тинч океанида пайдо бўлган "Дуджуан" тўфони Япония қирғоқлари томон яқинлашмоқда. Тўфон юзага келган ҳудудда шамолнинг тезлиги сониясига 18 метрга етди.

● Кеча Индонезиянинг Фарбий Папуа музофотида рўй берган 6,9 магнитудали кучли ер қимирлаши натижасида икки юзга яқин уйлар вайрон бўлган, камида 62 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● АҚШнинг Техас штатидаги Гранбери аэропортидан парвоз қилган битта моторли кичик самолётнинг тез орада ҳалокатга учраб ўрта мактаб яқинига кулаб тушиши натижасида икки киши ҳаётдан кўз юмди.

Н.УСМОНОВА

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛЛИГИ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан "Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини тайёрлашнинг долзарб масалалари" мавзусида семинар ўтказилди.

Парламент комиссияси раиси ўринбосари Г.Алимова, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Тўраев, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А.Каримов ва бошқалар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида устувор аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасига асосан давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг имкониятлар яратиш бериши ҳуқуқий кафолатланган.

Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан юртимизнинг

турли ҳудудларидаги жамоат ташкилотларининг илғор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга жорий этишда яқиндан қўмақлашишга оид кўплаб грант танловлари муваффақиятли ўтказилмоқда. Бу ННТларнинг ижтимоий аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳал этиш, уларнинг фаоллигини ошириш, турли дастурлардаги иштирокини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Парламент комиссияси қарорига мувофиқ Жамоат фонди томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамияти" мавзусида танлов эълон қилинган. Мазкур танлов жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга яқиндан қўмақлашиш, миллий қонунчилигимиз, жумладан, Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-

ФИКР ВА ҲАРАКАТ БИРЛИГИ — АСОСИЙ МЕЗОН

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан "Фикр, ғоя, ҳаракат" лойиҳаси доирасида "Демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда сиёсий партияларнинг роли" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислохотларда сиёсий партияларнинг ролини ку- чайтириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилашда уларнинг иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкид- ланди.

Мустақиллик йилларида партиялар сиёсий майдонда муайян амалий тажриба тўплаб, сиёсий нуфузга эга бўлди. Улар Ўзбекистонда яратилган қонунчилик базасига таян- ган ҳолда, жамиятдаги туб ўзгаришларнинг ҳал қилувчи ва самарали кучига айланмоқда. Партияларнинг демок- ратик жараёнларни янада ривожлантиришдаги ролини ошириш бўйича тегишли ҳуқуқий асослар яратилган. "Сиёсий партиялар тўғрисида", "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида", "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа ҳужжатлар шулар сирасидандир.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ёшлар- нинг интеллектуал меҳнат соҳасида ўз қобилият ва истеъ- додини намойиш этиши учун зарур шароитлар яратиш, уларни ёт маданият таъсиридан асраш ва сиёсий фаоллигини оши- риш мақсадида бир қатор акциялар, танловлар, анжуман- лар ўтказиб келмоқда. "Фикр, ғоя, ҳаракат" лойиҳаси улар- дан бири.

Мазкур лойиҳа касб-хунар коллежлари, лицейлар, олий таълим муассасаларида ёшларни турли ёт ғоялар таъси- ридан асраш, уларда бундай иллатларга қарши маънавий имунитетни шакллантириш, сиёсий онгини янада оши- риш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Бундан кўзланган мақсад фуқаролар, айниқса, ёшлар онгига маънавий бўшлиқ қолмаслигига эришиш, — дейди ЎЗА муҳбирига Сергели тиббиёт касб-хунар коллежи директори Собир Турсунов. — Ҳозирги ёшлар- нимиз анча фаол. Уларнинг сиёсий жараёнлардан ва ҳаётимизда юз бераётган янгиланишлардан хабардор- лигини ошириш ва иштирокини таъминлаш бизнинг бур- чимиз.

Тадбирда мавзу юзасидан ёшларни қизиқтирган савол- ларга мутахассислар жавоб беришди.

Сайёра ШОЕВА



Тошкент фотосуратлар уйида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган кўргазма очилди. Унда педагог рассомлар Александр ва Галина Ли ҳамда уларнинг оила аъзоларининг асарлари намойиш этилмоқда.

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни БАЙРАМ СОВҒАСИ

Таъкидлаш жоизки, Александр ва Галина Ли узоқ йиллар мобайнида Камолиддин Беҳ- зод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика рассомлик коллежида тасвирий санъатдан ўқувчиларга таълим бе- ribs келишган. Айни дамда ушбу ижодкорлар кексалик гаштини суришмоқда.

Александр ижодида табиатга эҳтиром би- ринчи ўринда турса, Галина Ли кўпроқ бола- жонларга мўлжалланган асарларга, эртақлар- га суратлар ишлайди. Қизлари Татьяна Якка- сарой туманидаги 18-болалар мусика ва санъ- ат мактабида ёшларга рассомлик санъати- нинг нозик ва бетакрор жиҳатлари бўйича сабоқ беради. Мария эса Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўқитувчи бўлиб ишлаш баробарида, рангтасвирчи, график мусаввир сифатида фаолият юритади.

Кўргазмада оилавий мусаввирларнинг юз- дан ортиқ энг сара асарлари намойиш этил- моқда. Айниқса ўқитувчилар сулоласи вакил- ларининг китобларга иллюстрациялари ва рангтасвир йўналишидаги асарлари томоша- бинларга манзур бўляпти.

Асарлари томоша қилар экансиз она Ватанга, оилага, фарзандларга бўлган меҳр-

муруват, ҳаётга шукроналик ва шу муқаддас заминдан фахрланиш туйғуларининг аксини кўрасиз.

— Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига ба- гишлаб ташкил этилган ушбу кўргазмани то- моша қилар эканман, қалбим қувонча тўлди, — дейди нафақадаги ўқитувчи Салима Абза- лова. — Чунки мен ҳам педагогман. Ҳаётим- нинг ўттиз йилини ёш авлод таълим-тарбия- сига бағишладим. Ўзим ҳам баъзан сурат- лар чизиб тураман. Александр, Галина ва уларнинг қизлари чизган суратларда энг ав- вал фарзандларга бўлган меҳр-муҳаббат- ни, она заминга бўлган юксак эҳтиромни кўрдим. Ҳар бир асардан педагог юрагининг ёниб турган ёлқинларини англагандай таас- сурот олдим.

Ҳа, аслида суратлар кўнгил аксини тасвир- лайди. Ижодкор бор меҳрини, иқтидорини ўзи яратётган суратларга жо қилишга ҳаракат қилади. Педагогларимиз томонидан яратила- ётган ҳар бир асар келажак авлоднинг бахт- ли ва фаровон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Гулчехра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа

ТАШАББУСКОР ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Олмасор туманидаги 196-умумтаълим мактабида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгашининг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишланган ўқув- семинари ўтказилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоли- гида ёшларнинг замон та- лаблари даражасида таъ- лим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланиши, сало- матлигини мустаҳкамлаши, билим ва салоҳиятини на- моён этиши учун барча ша- роит ва имкониятлар яра- тилаётганини таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Рес- публикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу бо- радаги ишлар самарадор- лигини оширишда дастури- ламал бўлиб хизмат қилаё- тир.

"Камолот" ёшлар ижтимо- ий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши ва унинг бошлан- ғич ташкилотлари ўз тарки- бига 325 мингдан зиёд ўғил-қизни бирлаштирган. Ҳаракатнинг пойтахт умум- таълим мактабларида икки юз тўқсондан зиёд бошлан- ғич ташкилотлари фаолият юритмоқда. Уларнинг та- шаббуси ва сай-ҳаракати билан мактабларда "Кама- лак билимдони", "Камалак аъзосиман", "Энг фаол ка- молот сардори", "Энг фаол камалак сардори", "Кама- лак юлдузлари" каби кўлаб

кўрик-танлов ва акциялар ўтказилиб келинмоқда.

"Ватан ҳимояси муқад- дас", "Оммавий маданият" ва ёшлар маънавияти", "Ҳар тенгдошга бир ғазал", "Буюк аждодларга муносиб авлод бўлайлик", "Камолот кунлари", "Китобхонлар байрами" каби йирик лойи- ҳалар, "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси", "Президент асарлари би- лимдони" кўрик-танловлари, "Биз — буюк юрт фарзанд- ларимиз!" фестивали, "Юр- тимни обод этаман" омма- вий ёшлар ҳашари анъана- вий ташкил этиб келинаё- тир.

Йиғилишда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши- нинг умумтаълим мактаб- ларидаги бошланғич ташки- лотлари фаолияти ҳақидаги ахборот тингланди. Ёшларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган олам- шумул ўзгаришлардаги иш- тирокини янада фаоллаш- тириш борасидаги долзарб вазифалар юзасидан қиз- гин фикр алмашилди, бош- ланғич ташкилотлар фаоли- ятидаги мавжуд камчилик- ларни бартараф этиш бўйи- ча тақлифлар билдирилиб, истикболдаги режалар бел- гиланди.

(ЎЗА)

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Шаҳримизда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Парламентаризм билимдони" онлайн танлови юзасидан матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари, Ўзбекистон Мил- лий университети ва Тошкент Давлат шарқшунос- лик институти талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мазкур танлов "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта мах- сус таълим, Халқ таълими, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорли- гига Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиё- сатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора- тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъмин- лаш мақсадида ўтказилаётган бўлиб, унда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ҳуқуқий билимларини синондан ўтказиш имконига эга бўладилар.

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, келгуси ҳаётларида ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ англаб етишлари мақсадида қонунларга нисбатан ҳурмат туй- ғусини синдириш муҳим аҳамиятга эга, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгашининг "Ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий лой- ихалар" бўлими муdiri Бекзод Шоназаров. — Тан- лов ёшлар ўртасида Конституция ғояларининг ва ушбу ғоялар асосида қабул қилинадиган қонунлар- нинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга кўмаклашиш, миллий парламенти фаолияти тўғрисида тўлиқ ахборот олиш, шу орқали ёш авлодни тарбиялашга ҳамда унинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданияти- ни ривожлантиришга ҳисса қўиш мақсадида ўтқа- зилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Танлов очик- лик, ошкоралик ва тенглик асосида ташкил этилади. "Парламентаризм билимдонлари" танловида голиб- ликни кўлга киритган ёшлар республика ишчи гу- руҳи томонидан танлов доирасида тақдим этилган саволлар бўйича суҳбатдан ўтказилади. Шунингдек, танловда фаол иштирок этган қатнашчилар рағбат- лантирилади. Танлов голиблари ва фаол иштирок этган ёшлар ташкилотчиларнинг дипломлари ва эс- далик совғалари билан тақдирланадилар.

Анжуман давомида иштирокчиларга танловни таш- кил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. Онлайн танлов 13 турдан ибор- ат бўлиб, жорий йилнинг 8 декабрга қадар давом этади. Иштирокчилар www.pb2015.uz сайти орқали ҳар бир босқичда қатнашишлари мумкин. Бунда ҳар бир босқичда иштирокчиларга бештадан савол бер- илади, натижалар ҳамда босқич якуни бўйича тўпланган баллар эълон қилиб борилади. Танлов са- воллари Ўзбекистон Республикасининг Конституци- яси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг фао- лияти (шаклланиш даври, сайловлар ва сайлов кам- панияси, парламент фаолиятини тартибга солувичи қонунлар, сон жиҳатдан таркиби, қонун ижодкорли- ги, парламент назорати ва ҳокзо)ни қамраб олган.

Танлов совриндорларини тақдирлаш маросими- ни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллиги арафасида ташкил этиш кўзда тутилган.

Тадбирда талабалар ўзларини қизиқтирган са- волларга жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Олмасор тумани кенгаши томонидан тумандаги Навбахор маҳалласида "Хорижда ишлашнинг қонуний асослари" мавзусида семинар ташкил этилди. Унда маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш, унга қарши курашиш, жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ёшларнинг келажак- да ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишиши учун кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2008 йил 17 апрелда қабул қилинган "Одам савдо- сига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Рес- публикаси қонуни ва Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самара- дорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгай- тиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— Одам савдосининг олдини олиш бўйича умум- таълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар ко- ллежлари ва олий ўқув юртиларида семинар-тренинг- лар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмасор тумани кенгаши раиси Д.Мелдибекова. — Интерфаол усулда ташкил қилинаётган тадбирлар иштирокчиларда кўта- риётган масалага оид ҳаётда учрайдиган муаммо- ли вазиятнинг ечимини топишга кўмаклашади.

Семинар давомида иштирокчиларга "ISTIQBOLU AVLOD" ёшлар ахборот-маърифат маркази томони- дан одам савдосига қарши курашиш бўйича олиб бораётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Ёшлар- нинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, хорижга чи- қиш қоидалари, чет элда ноқонуний ишлашнинг оқибатлари, ушбу жиноятдан жабрланганларни иж- тимоий муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбир- лар ҳақида маълумот берилди.

Ш.МАМАТУРОВА,
ЎЗА мухбири

Тадбиркорлик субъектларини текшириш тизими тубдан такомиллашётгани уларнинг эркин фаолият юритишига кенг йўл очмоқда. Натижада хусусий сектор жадал ривожланиб, нафақат ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, фаровонликка эришишнинг муҳим омилга айланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусу- сий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа- даги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур ҳужжат- га мувофиқ тад- биркорлар фаоли- ятига аралашув- лар янада чеклан- ди. Ҳўжалик юри- тувчи субъектлар- да режали текши- ришлар қисқарти- лиши билан бир- га, уларнинг даврийлиги аниқлаштирилди. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўлов- ларни тўлашдан бўйин тов- лаш жиноятини биринчи марта содир этган, жиноят аниқлангандан кейин 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа турдаги мо- лиявий санкцияларни тўла- ган шахсга нисбатан жино- ий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликдан озод қили- нади. Бундай имкониятлар ҳўжалик юритувчи субъект- ларнинг иқтисодий хавф- сизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

— Солиқ қонунчилигидаги камерал назорат институти ҳам тадбиркорлар учун яна- да бир қулай имкониятдир, — дейди ЎЗА муҳбирига Ўзбекистон Республикаси

Давлат солиқ кўмитаси солиқ тўловчиларнинг пул оқимлари таҳлили ва солиқ ҳисоботларини камерал на- зорат қилиш бошқармаси бошлиғи Зариф Аминов. — Кейинги йилларда солиқ идораларида мазкур инсти- тутдан кенг фойдаланилаёт-

Фармон ва ижро КАМЕРАЛ НАЗОРАТ: ТАДБИРКОРГА КЎМАК

гани тадбиркорлар манфа- атларини таъминлашга хиз- мат қилаётир.

Камерал сўзи латинча бўлиб, уйда маъносини англа- тади. Демак, камерал на- зорат ўрганилаётган объект- да эмас, балки солиқ органи идорасида, ахборот технологиялари ёрдамида ўтказилади.

Ушбу назорат тури, сама- радорлиги ва аниқлиги бил- лан ҳужжатли текширишлар- дан қолишмайди. Бунда дав- лат солиқ органларида мав- жуд ва бошқа таши маълум- лотлар таҳлил қилинади, тадбиркор фаолиятига баҳо берилгади. Бу жараёнда мамлакатимизда табиркор- лик субъектлари томонидан топширилаётган барча ҳисо- ботларнинг электрон тарзда тақдим этилаётгани катта

қулайлик яратаётир. Тадбир- корлар тақдим этаётган маълумотларнинг тўғрилигига оид ёрдамчи маълумотлар ёки хатоларни тўғрилаш йўналишлари солиқ орган- лари тизимидagi дастурлар- да мавжудлиги субъектлар- нинг кўшимча ҳимоясини таъминлайди.

Шу жиҳатдан солиқ орган- лари амалиётида камерал назоратни амалга ошириш учун шарт-шароит етарли. Бу тадбиркорни ҳам, солиқчини ҳам ортиқча оворагарчилик ва молиявий йўқотишлардан сақлайди.

Камерал назорат пайтида ноақиқлик ва тафовутлар юзга келганда, солиқ тўловчиларга ёзма равишда талабнома юборила- ди. Улар ўз навба- тида аниқланган та- фовут сабабларини ёки йўл қўйилган камчиликлар барта- раф қилингани тўғрисида солиқ органларига ўн иш куни ичида маълумот тақдим этиши зарур.

Муҳими, қонунчилигимизга кўра камерал назорат пай- тида аниқланган тафовут ёки йўл қўйилган хато учун ҳўжа- лик юритувчи субъектга нисба- тан ҳеч қандай маъмурий ёки молиявий жарима қўлла- нилмайди. Бу борада айрим давлатлар қонунчилигида маъмурий ҳамда молиявий жарима кўзда тутилганини инобатга олсак, миллий қонунчилигимизнинг афзал- лиги, тадбиркор учун қулай- лиги яққол ойдинлашади.

Демак, қонунларимиз жа- мият тараққиётининг ҳал қилувчи кучига айланаб бо- раётган кичик бизнес ва ху- сусий тадбиркорлик вакилла- рига ҳар томонлама кўмак бериб, мустақкам ҳимоя ва- зифасини ўтамоқда.

Н.АБДУРАИМОВА

ҲАФТАЛИК

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Қитъаларнинг мавжудлик сирин". Х/ф.
7.30 Миллий сериал: "Фидойилар".
8.00 "Тахлилнома".
8.40 "Ҳаёт". Х/ф.
9.30 "Крэнфорд". Т/с.
10.20 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Муъжизалар макони".
11.35 "Иклим".
11.40 "Бир жиноят изидан".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Опа-сингил Элиотлар". Т/с.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Хидоят сари".
14.45 Миллий сериал: "Жийда гули".
15.20 "Барҳаёт денгиси". Х/ф.
16.00 "Иклим".
16.10 "Заковат".
17.00 "Ахборот".
17.10 Уқитувчи ва мураббийлар кунига: "Қорақалпоқ".
17.30 "Агроолам".
17.45 "Сухбатдош".
18.00 "Бўрилар замини". Т/с.
18.35 "Имконият".
18.55 Миллий сериал: "Опа-сингиллар". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Монк". Т/с. Премьера.
21.00 "Ахборот".
21.40 Уқитувчи ва мураббийлар кунига: "Муносабат".
22.20 - 00.05 "Орзулар лигаси". Б/ф.
00.05 Миллий сериал: "Опа-сингиллар". Т/с.
00.35 "Агроолам".
00.50 "Шарқ тароналари".

Ўзбекистон

1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Заковат".
3.20 "Гуллар жозибаси".
3.30 "Денгиздан томчи".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Фидойилар".
5.10 - 5.55 "Ватанпарвар".

Ўзбекистон

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Мураббий". Б/ф.
1-қисм.
7.20 "Навоий ҳазинаси".
7.40 "Ешлик наволари".
8.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
8.50 "Юрт келажаги".

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Қитъаларнинг мавжудлик сирин". Х/ф.
7.30 Миллий сериал: "Фидойилар".
8.00 "Ахборот".
8.35 "Ҳаёт". Х/ф.
9.25 "Крэнфорд". Т/с.
10.10 "Агроолам".
10.25 "Қорақалпоқ".
10.45 "Сарҳад билмас дустлик".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Хорчилар". Б/ф.
1-қисм.
11.55 "Иклим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Опа-сингил Элиотлар". Т/с.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Қўрганларимиз ҳақида".
14.40 Миллий сериал: "Жийда гули".
15.15 "Мадагаскар - леопард ороли". Х/ф.
15.55 "Иклим".
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Қўнғил ободлиги".
16.30 "Ахборот" /инглиз/.
16.40 "Чорсудаги эътиқодлар".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Менинг ҳуқуқим".
17.20 "Сен ёлғиз эмассан".
17.35 "Бир жиноят изидан".
17.55 "Бўрилар замини". Т/с.
18.35 "2015 йил - Кексаларни эъзозлаш йили".
18.55 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Монк". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Устурлоб".
22.00 "Нихон".
22.20 - 00.00 "Машаққат наҳидаси". Б/ф.
00.00 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
00.35 "Қўрганларимиз ҳақида".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Алдагани хотин яхши". Спектакль.
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Фидойилар".
5.15 "Эъзоз".
5.35 - 5.55 "Устурлоб".

Ўзбекистон

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Мураббий". Б/ф.
2-қисм.
7.20 "Навоий ҳазинаси".
2-қисм.

9.10 "Бир қадам". Т/с.
9.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Қамолот-инфо".
10.10 "Ўғилнинг даври одами". Б/ф.
12.20 "Сўз ёшларга".
12.50 Уқитувчи ва мураббийлар кунига: "Томчида кўш".
13.00 "Давр".
13.10 "Дўст". Б/ф.
14.40 "Афсона ва ҳақиқат".
15.10 "Ўзга сайёралик маҳбубим". Т/с.
16.00 "Давр".
16.10 "Мехмонхона". Т/с.
16.50 "Қамолот-инфо".
17.00 "Дугонлар".
17.30 "XXI аср технологиялари".
17.50 "Устозлик бахти".
18.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с. Премьера.
18.50 "ЎзЕХ".
19.00 "Давр".
19.30 "Ўзга сайёралик маҳбубим". Т/с. Премьера.
20.20 "Қишлоқдаги тенгдошим".
20.50 "Ешлик наволари".
21.10 "Мехмонхона". Т/с. Премьера.
22.00 "Давр".

ДУШАНБА, 28

22.30 "Кинг-Конг". Б/ф.
1.20 "Сехри қўллар".
1.40 "Ўзбек адабиёти".
2.40 "Хамсаҳонлик кенаси".
4.10 "Имкон-шоу".
4.50 "Қиз чизилари".
5.00 "Бир қадам". Т/с.
5.30 - 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!".
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00 "Ройтакс".
6.20 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапопарлари".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Мухаббат тантанаси". Т/с.
9.50 "Ройтакс-спорт".
10.20 "Касл". Т/с.
11.15 "Телеахборот".
11.45 "Пойтахт-культура".
12.10 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапопарлари".
12.45 "Ройтакс-авто".
13.15 "Пойтахт йўллариди".
13.45 "Ройтакс-репортаж".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Соҳибкамол ва маҳлуқ". Т/с.
15.50 "Ройтакс-спорт".
16.15 "Бироннинг хати".
16.50 "Ишга марҳамат!".
18.20 "Ҳимоя".

Ўзбекистон

7.40 "Ешлик наволари".
8.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
8.50 "Соғлом ҳаёт".
9.10 "Бир қадам". Т/с.
9.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Давр".
10.10 "Музыка муаллими". Б/ф.
12.10 "Навоий бўстони".
1-қисм.
12.50 "Устозлик бахти".
13.00 "Давр".
13.10 "Қўнғил ободлиги". Б/ф.
14.40 "Афсона ва ҳақиқат".
15.10 "Ўзга сайёралик маҳбубим". Т/с.
16.00 "Давр".
16.10 "Мехмонхона". Т/с.
16.50 "Автомобиллар".
17.10 "Юрт келажаги".
17.30 "Давр мавзуси".
17.50 "Устозга таъзим".
18.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
18.50 "ЎзЕХ".
19.00 "Давр".
19.30 "Ўзга сайёралик маҳбубим". Т/с.
20.20 Уқитувчи ва мураббийлар кунига: "Нуктаи назар".
20.50 "Ешлик наволари".
21.10 "Мехмонхона". Т/с.
22.00 "Давр".

СЕШАНБА, 29

22.30 "Сабрина". Б/ф.
00.40 "Ибн Сино".
1.40 "Зар ёмғир".
2.40 "Амр Темур".
3.40 "Шарқ гавҳари".
4.30 "Дугонлар".
5.00 "Бир қадам". Т/с.
5.30 - 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!".
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Ройтакс".
6.20 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапопарлари".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Мухаббат тантанаси". Т/с.
9.50 "Ройтакс-спорт".
10.20 "Касл". Т/с.
11.15 "Қўнғил ободлиги".
12.10 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапопарлари".
12.45 "Мобил камера".
13.10 "Дастур асосида".
13.45 "Ройтакс-интервью".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Ошпазлар кироли". Т/с.
15.50 "Ройтакс-спорт".
16.15 "Катта бойлик дардида". Б/ф. 1-2 қисмлар.
18.15 "Ишга марҳамат!".
18.50 "Ройтакс-еко".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Мухаббат тантанаси". Т/с.
20.20 "Ошпазлар кироли". Т/с. /Премьера/.

18.40 "Мобил камера".
18.50 "Ройтакс-интервью".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Мухаббат тантанаси". Т/с.
20.20 "Ошпазлар кироли". Т/с.
21.00 "Очик мулоқот"дан сўнг".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Эмма". Х/ф.
00.05 "Мобилная камера".
00.20 "Касл". Т/с.
1.00 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
1.30 "Пойтахт-культура".
1.40 "Устаси фаранг". Б/ф.
3.55 - 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайли тонг!".
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.20 АНОНС.
6.30 "Орзулар кемаи".
6.55 АНОНС.
7.00 "Sport-online".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 Интерфутбол.
10.10 Теннис. Тошкент опен. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.

Спорт

6.00 "Хайли тонг!".
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.20 АНОНС.
6.30 "Орзулар кемаи".
6.55 АНОНС.
7.00 "Sport-online".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 Интерфутбол.
10.10 Теннис. Тошкент опен. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.

12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 "Мундиал сари".
13.20 "Шоҳсупага йул".
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Қўл жанги. Ўзбекистон Кубоги.
15.20 "Қозибди".
15.45 Автомобил спорт.
16.40 АНОНС.
16.45 Регби. Жаҳон чемпионати.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 "Спорт сайраси".
18.20 "Техноспорт".
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 "Болалар спорти".
19.15 Қўл жанги. Ўзбекистон Кубоги.
20.30 "Спорт-маркет".
20.35 "Футбол шархи".
21.25 АНОНС.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 АНОНС.
21.55 "SPORT REPORT".
22.10 Интерфутбол.
23.50 АНОНС.
23.55 "Техноспорт".
00.00 АНОНС.
00.05 Профессионал бокс.
00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 Трамплиндан сакраш.
Езги Гран-при турнири.
2.20 Автомобил спорт.
3.15 - 6.00 Теннис. Тошкент опен.

21.00 "Қўлга тушган бебошлар".
21.30 "Ройтакс-маданият".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Правда и чувства". Х/ф.
00.05 "Мобильная камера".
00.15 "Хикматли дунё".
"Омонат".
1.00 "Ройтакс-маданият".
1.10 "Касл". Т/с.
2.10 "Бироннинг хати". Б/ф.
3.45 "Пойтахт-Hi-tech".
3.55 - 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайли тонг!".
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Спортимиз маликалари".
6.30 "Болалар спорти".
6.55 АНОНС.
7.00 "Sport-online".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 АНОНС.
8.15 Интерфутбол.
9.55 АНОНС.
10.00 Теннис. Тошкент опен. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.

Спорт

13.00 АНОНС.
13.05 "Футбол шархи".
13.55 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 Регби. Жаҳон чемпионати.
15.35 Трамплиндан сакраш.
Езги Гран-при турнири.
16.35 Қўл жанги. Ўзбекистон Кубоги.
17.50 АНОНС.
17.55 "Спорт сайраси".
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 "Ифтихоримсан, спорт".
18.25 "Техноспорт".
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 Регби. Жаҳон чемпионати.
19.15 "Нихонга олдим".
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 "RING".
21.05 "Осиё футбол".
21.25 АНОНС.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 АНОНС.
21.55 "SPORT REPORT".
22.10 "Евротайм". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
23.10 Автомобил спорт.
00.00 АНОНС.
00.05 Стол теннис. Европа чемпионати.
1.25 АНОНС.
1.30 ХАБАРЛАР.
1.50 АНОНС.
1.55 Волейбол. Жаҳон Кубоги.
3.05 - 6.00 Теннис. Тошкент опен.

Первый канал

04.00 Телеканал "Доброе утро".
07.00 Новости.
07.05 "Поле чудес".
08.00 Новости.
08.05 Контрольная закупка.
08.30 "Жить здорово!".
09.30 Модный приговор.
10.30 Фазенда.
11.00 Новости.
11.20 "Сегодня вечером".
13.05 Смак.
13.45 "Время покажет".
14.00 Новости.
14.15 "Время покажет". Продолжение.
15.15 "Мужское/Женское".
16.10 "Наедине со всеми".
17.00 Вечерние новости.
18.00 "Давай поженимся!".
19.00 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.30 Т/с "Татьянина ночь".
22.15 "Вечерний Ургант".
22.55 "Познер".
23.55 Ночные новости.
00.10 "Городские пиканы".
Доминик Монахэн в многосерийном фильме "Код 100".
01.40 Х/ф "Морской пехотинец 2".
02.00 Новости.
02.05 Х/ф "Морской пехотинец 2".

Россия

05.00, 09.15 "Утро России".
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.50, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном".
11.35, 14.30, 17.30, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с "Таинные следствия".
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Склифосовский".
18.15 "Прямой эфир".
20.50 "Спокойной ночи, малыши!".
21.00 Т/с "Непридуманная жизнь".
23.50 "Честный детектив".
00.50 Х/ф "Небесные ласточки" 1-я с.
02.15 Т/с "Чокнутая".
04.10 "Комната смеха".

НТВ

05.00 Т/с "Адвокат".
06.00 НТВ утроем.
07.10, 08.05 Т/с "Лесник".
08.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Сегодня.
09.00 Утро с Юлией Высоцкой.
10.20 Т/с "Возвращение Мухтара".
12.00, 13.20 "Суд присяжных".
14.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
15.00 "Лолита".
16.20 Т/с "Литерный, 4".
18.00 Ток-шоу "Говорим и показываем".
19.40, 00.10 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
23.30 Анатомия дня.
02.05 "Снего в СССР".
03.00 Т/с "Час Волкова".

Первый канал

04.00 Телеканал "Доброе утро".
07.00 Новости.
07.05 "Наедине со всеми".
08.00 Новости.
08.05 Контрольная закупка.
08.30 "Жить здорово!".
09.30 Модный приговор.
10.30 Фазенда.
11.00 Новости.
11.20 Т/с "Татьянина ночь".
13.05 Смак.
13.45 "Время покажет".
14.00 Новости.
14.15 "Время покажет". Продолжение.
15.15 "Мужское/Женское".
16.10 "Наедине со всеми".
17.00 Вечерние новости.
18.00 "Давай поженимся!".
19.00 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.30 Т/с "Татьянина ночь".
22.20 "Вечерний Ургант".
22.55 Ночные новости.
23.05 "Структура момента".
00.05 Х/ф "Луна".
02.00 Новости.
02.05 Х/ф "Луна".
02.30 Модный приговор.

Россия

05.00, 09.15 "Утро России".
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.50, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном".
11.35, 14.30, 17.30, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с "Таинные следствия".
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Склифосовский".
18.15 "Прямой эфир".
20.50 "Спокойной ночи, малыши!".
21.00 Т/с "Непридуманная жизнь".
23.50 Вести.дос.
02.00 Х/ф "Небесные ласточки" 2-я с.
03.25 Т/с "Чокнутая".
04.25 "Комната смеха".

НТВ

05.00 Т/с "Адвокат".
06.00 НТВ утроем.
07.10, 08.05 Т/с "Лесник".
08.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Сегодня.
09.00 Утро.
10.20 Т/с "Возвращение Мухтара".
12.00, 13.20 "Суд присяжных".
14.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
15.00 "Лолита".
16.20 Т/с "Литерный, 4".
18.00 Ток-шоу "Говорим и показываем".
19.40, 00.05 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
21.30 Футбол. "Зенит" (Россия) - "Гент" (Бельгия). Лига чемпионов УЕФА. Прямая трансляция.
23.40 Анатомия дня.
02.05 Квартальный вопрос.
03.05 Т/с "Час Волкова".

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Қитъаларнинг мавжудлик сирин". Х/ф.
7.30 Миллий сериал: "Фидойилар".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Ҳаёт". Х/ф.
9.05 "Мехрибон муаллим". Б/ф.
10.55 "Иклим".
10.30 "Сухбатдош".
10.45 "Навоий олами".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Хорчилар". Б/ф.
2-қисм.
11.55 "Иклим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Опа-сингил Элиотлар". Т/с.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Устурлоб".
14.35 Миллий сериал: "Жийда гули".
15.10 "Бу ажиб дунё". Х/ф.
15.50 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
16.35 "Иклим".
16.40 "Имконият".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Калб гавҳари".
17.35 "Парламент ҳаёти".
17.55 "Бўрилар замини". Т/с.
18.35 "Менинг боғим".
18.55 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.00 "Монк". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Байрамнинг муборак азиз устоз ва мураббийлари".
23.20 - 00.05 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
00.05 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
00.40 "Менинг боғим".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Кайнона". Б/ф.
3.45 "Шарқ тароналари".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Фидойилар".
5.10 "Навоий олами".
5.25 - 5.55 "Денгиздан томчи".

Ўзбекистон

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Устоз". Б/ф. 1-қисм.
7.40 "Ешлик наволари".
8.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
8.50 "Автомобиллар".
9.10 "Бир қадам". Т/с.
9.40 "Томчида кўш".
9.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Давр".
10.10 "Уқитувчи". Б/ф.
11.50 "Давр мавзуси".
12.10 "Навоий бўстони".
2-қисм.
13.00 "Давр".
13.10 "Бўни биз ўтганмиз". Б/ф.
14.40 "Қизлар мактаби".
15.10 "Ўзга сайёралик маҳбубим". Т/с.
16.00 "Давр".

Ўзбекистон

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Устоз". Б/ф. 1-қисм.
7.40 "Ешлик наволари".
8.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
8.50 "Автомобиллар".
9.10 "Бир қадам". Т/с.
9.40 "Томчида кўш".
9.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Давр".
10.10 "Уқитувчи". Б/ф.
11.50 "Давр мавзуси".
12.10 "Навоий бўстони".
2-қисм.
13.00 "Давр".
13.10 "Бўни биз ўтганмиз". Б/ф.
14.40 "Қизлар мактаби".
15.10 "Ўзга сайёралик маҳбубим". Т/с.
16.00 "Давр".

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Қитъаларнинг мавжудлик сирин". Х/ф.
7.30 Миллий сериал: "Фидойилар".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Устозларга таъзим".
9.20 "Муносабат".
10.00 "Байрамнинг муборак азиз устоз ва мураббийлари".
11.40 "2015 йил - Кексаларни эъзозлаш йили".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Иклим".
13.10 "Алишер Навоий". Б/ф.
14.45 "Йул". Хужжатли фильм.
15.25 "Иклим".
15.30 "Мехрибон мураббий".
Б/ф.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Қўнғил ободлиги".
17.30 "Иклим".
17.35 "Сухбатдош".
17.50 "Бўрилар замини".
18.30 "Бизнес-старт".
18.55 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Мехрибон мураббий". Теленовелла. Премьера.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.
22.25 - 00.10 "Фидойилар". Б/ф.
00.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
00.40 "Қўнғил ободлиги".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Ерим кетаман дейди". Спектакль.
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Фидойилар".
5.10 - 5.55 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.

Ўзбекистон

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Устоз". Б/ф. 2-қисм.
7.40 "Ешлик наволари".
8.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
8.50 "Устозлар".
9.00 "Табассум қил".
9.10 "Бир қадам". Т/с.
9.40 "Фан ва ёшлар".
10.10 "Тақдирлар". Б/ф.
11.50 "Устозлик бахти".
12.00 "Ош бўлсин!".
12.30 Уқитувчи ва мураббийлар кунига: "Имкон-шоу".
13.10 "Автомобилдан саклагани". Б/ф.
14.40 "Нуктаи назар".
15.10 "Ўзга сайёралик маҳбубим". Т/с.
16.00 "Устозлар".
16.10 "Мехмонхона". Т/с.
17.00 "Маслаҳат". Ҳажвия.
18.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
18.50 "Устозга таъзим".
19.00 "Дав

